
Алимент тўламаган қарздорга жиноят иши қўзғатилди

Мажбурий ижро бюроси Қўқон тумани бўлими иш юритувидаги ФИБ Қўқон туманлараро судининг 18.01.2021 йилдаги қарорига асосан қарздор Н.У.дан ундирувчи Н.Д. фойдасига уч нафар фарзандларининг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор Н.У. 25.070.000 сўм алиментни тўлашдан бўйин товлаб келганлиги учун ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 07.06.2022 йилдаги қарори билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини ўтаган.

Лекин, қарздор ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна 2022 йилнинг июнь ойидан 2023 йил 1 январь кунига қадар жами 12.372.707 сўм алимент қарзини тўлашдан келганлиги сабабли, унга нисбатан 11.01.2023 йил куни Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди, ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

МИБ Қўқон шаҳар бўлими

2023-02-11 08:24:30